

AXBOROTLAR / INFORMATION

ИЛМИЙ НАШРЛАРНИ ТАҚРИЗДАН ЎТКАЗИШ ВА ТУЗИЛМАСИННИГ СТАНДАРТЛИЛИГИ

¹Авлакулов Мейли - т.ф.д, профессор, E-mail: mavlakulov@mail.ru

<http://orcid 0000-0002-8154-1153>

¹Хазратов Алишер Нормуродович – т.ф.ф.д., доцент. E-mail: khazratov@gmail.com
<https://orcid.org/0000-0003-1300-0547>

¹Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти. Қарши ш., Ўзбекистон.

Илмий журналлар – илмий адабиётта тегишли бўлган даврий, яъни босма ёки электрон вариантдаги нашрлар саналади. У илмий ахборотларнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Одатда бундай журналлар тақриздан ўтказиладиган журналлар ҳисобланади, яъни муаллифлар томонидан жўнатиладиган барча мақолалар чоп эттирилишидан аввал мақола соҳасига яқин бўлган мустақил мутахассис-эксперт назоратидан ўтказилади.

Илмий мақолани бирламчи деб атashимиз учун у тўғри чоп этилган бўлиши талаб этилади. Яқин-яқинларда ҳам “бирламчи илмий нашр” тушунчасининг мазмун ва моҳияти устида тортишувлар бўлиб турар эди. Пировардида қуйидаги тўхтамга келинди. “Бирламчи илмий нашр бу тадқиқот ҳақидаги мавжуд жиддий маълумотларни илк нашрий тақдимоти бўлиб, у ҳамкасларга тадқиқотга баҳо бериш, тажрибаларни ўтказа олиш, хулосаларга олиб келган интеллектуал жараённи баҳолаш имкониятини беради.

Бу тадқиқот ҳақидаги мавжуд жиддий маълумотларни илк нашрий тақдимоти ҳис қилиш органи орқали қабул қилишга мўлжалланган, доимий тартибда жойлаштирилган ва илмий ҳамжамият учун ҳеч қандай чекловсиз фойдаланиш имконятига эга бўлиши ҳамда бир ёки бир нечта илмий нашрларни назорат қилиш тизимларига кўшилган бўлиши керак. Бу илмий тадқиқот ҳақидаги аввал чоп этилмаган материал, ҳамкасларга тадқиқотчилар томонидан тақриздан ўтказиладиган ва фақат рецензия берувчиларнинг ижобий тақризларидан кейингина журналда чоп этиладиган нашрларга тақдим этилиши керак. Бу тақриздан ўтказиладиган журналларда (*peer-reviewed publication* –такридан ўтказилган нашр) чоп эттириш деб номланади. Бу қоидаларга оғишмай амал қиласидиган журналлар “тўғри” илмий адабиётлар деб аталади ва оригинал тадқиқот (асл тадқиқот) ҳақидаги тақдим этилган ҳисбот шундай журналларда чоп этилишига эришиш керак.

Тақриздан ўтказиладиган журналлар бошқа бирорта журналга тақдим этилмаган ва авваллари ҳеч қаерда чоп этилмаган қўлёзмаларни чоп этишга қабул қиласидилар. Бутунлай қўлёзма ёки унинг салмоқли бир қисмини анжуман материаллари, техник бюллетенларда нашр этилиши, Интернет сайтларида жойлаштирилиши уни чоп этишга қабул қиласлик учун етарли сабаб бўла олади. Шундай қилиб, “бехато” илмий мақола оригинал тадқиқотларни тавсифлаб берувчи ва тақриздан ўтказиладиган журналда чоп этилган мақола ҳисобланади. Тақриздан ўтказиладиган журналларда жойлаштириладиган оригинал илмий тадқиқотлар ҳақидаги (оригинал) мақолалардан ташқари бошқа нашрларда, бирламчи илмий нашр мезонларига жавоб бера олмайдиган, кўп микдордаги бошқа турдаги илмий матнлар чоп этилади. Давлат ва хусусий ташкилотлар билан шартнома асосида бажарилган, тадқиқотлар ҳақидаги ҳисботларнинг кўпчилиги, институт илмий тўпламлари, институт бюллетенлари бирламчи илмий адабиёт сифатида инобатга олинмайди [1].

Шунингдек, янгилик тарзидаги хабарлар жамоа доирасидаги нашрларда, чекланган фойланиланишга мўлжалланган журналларда чоп этилган мақолалар ҳам бехато илмий нашрларга кирмайди. Бироқ мұхандислик ва информацион-компьютерли соҳаларда бирламчи илмий нашрларга патентлар ва техник ҳисботлар киради. Агар бирламчи илмий адабиёт мавжуд бўлса, иккиласмичилари ҳам бўлади. Иккиласмич илмий адабиётларга, шунингдек, тақриздан ўтказиладиган журналларда чоп этиладиган, илмий шарҳлар кўринишидаги илмий

ишланмалар (*review papers*) киради. Илмий шархлар умумий мавзулар билан ўзаро боғланган ва аввал чоп этилган мақоллар таҳлилига бағишиланади.

Фақат илмий шархлар кўринишидаги мақолаларнигина чоп этадиган журналлар ҳам мавжуд. Улар бирламчи илмий нашрларни умумлаштириш, жамлаш, таҳлил қилиш ва синтез қилиш учун мўлжалланган. Илмий шархллар ҳеч қандай янгиликни ўзида мужассам этмайди деган фикр нотўғри хисобланади. Аксинча, айнан уларда янги назариялар туғилади, янги ғоялар ёки парадигмалар олдинга сурилади ва уларга бошқа мақолаларда кўпроқ ҳавола қилинади.

Илмий адабиётда катта илмий лойиҳалар бўйича илмий тадқиқот натижаларини ёритиб беришга, муайян илмий соҳадаги қўлга киритилган ютуқларни умумлаштиришга мўлжалланган, монография деб аталувчи китоблар мухим ўрин эгаллади. Монографиялар иккиласми илмий нашрлар сирасига киради.

Анжуманларда қилинган илмий маъruzalar бўйича мақолалар. Улар тегишли нашрларда (*conference reports, conference proceedings*) чоп этилади. Бундай илмий маъruzalarнинг кўпчилиги оригинал илмий тадқиқотлар ҳақидаги илмий хабарларни ўзида мужассам этади, бироқ бундай нашрларнинг қўлёзмалари тақризлардан ўтказилмайди. Анжуманлардаги илмий маъruzalarнинг кўпчилиги оригинал илмий тадқиқот натижаларининг бирламчи нашри хисобланмайди [2].

Кўплаб илмий маъruzalar шархлаш тавсифида бўлади, оригинал тадқиқотларнинг тақдимоти эса қизиқарли илмий муроҳазалар билан кузатиладиган натижалар ҳақида олдиндан хабар бериш ёки аксинча, биринчи марта тақдим этилмаётган материаллар саналади. У ёки бу турдаги илмий маъruzalar “бехато” нашр сифатида тан олинмайди. Қизиқарли илмий муроҳазалар билан кузатиладиган натижалар ҳақида олдиндан хабар беришга келсақ, одатда, анча кейинроқ бу илмий ишларнинг натижалари бирламчи илмий нашрда чоп этилади. Бу пайтга келиб муаллифлар якуний, ишончлироқ ва кенг кўламлироқ натижаларни қўлга киритган бўлади. Улар бу натижаларга қайта ишлов бериб ва тажрибавий услубиятни хужжатлаштиришга муваффақ бўлган бўладилар.

Демак, анжуман материалларининг кенг кўламдаги нашр этилиши бирламчи илмий адабиёт сифатида қаралиши мумкин эмас. Агар уларда оригинал илмий маълумотлар тақдим этилган бўлса, уларни яна тақриздан ўтказиладиган журналларда қайтадан чоп эттириш мумкин. Сўнгги пайтларда илмий анжуманларда қилинаётган илмий маъruzalarнинг кўплари тақриздан ўтказиладиган журналларнинг маҳсус сонида чоп этиш учун танлаб олинмоқда, нашр эттириш учун танлаб олинган мақолалар умумий ҳолда қабул қилинган тақриздан ўтказилади. Бу ҳолда бундай нашрларни бирламчи илмий адабиёт сифатида қараб чиқиш мумкин. Илмий нашрларни бирламчи ва иккиласми нашрларга бўлиш асосида бир нечта мухим фикр-муроҳазалар ётади.

Биринчидан, бирламчи илмий нашрларни тақриздан ўтказиш ва тузилмасининг стандартлилиги (гарчи юз фоиз бўлмаса ҳам) сифат кафолати хисобланади ва уларни ўқувчилар томонидан қабул килинишини енгиллаштиради.

Бу илмий тадқиқот натижаларининг биринчи нашрий тақдимоти бўлиши кераклиги ҳақидаги талаб битта ва ўша мақолани қайта чоп эттиришнинг, демак, илмий мақоллар сонини кераксиз кўпайтиришнинг олдини олади. Бундан ташқари бу талаб у ёки бу кашфиётнинг ва илм-фандаги натижалар муаллифлигининг жорий ва бўлажак муаммолари ечимини соддалаштириши мумкин [3].

Иккинчидан, библиографик тизимлари учун илмий нашрлардан рефератлар олиш имкониятининг мавжудлиги маълумотлар олишни осослаштиради ва демак бу материаллар йўқолиб қолиш эҳтимолини камайтиради. Ҳозирги вақтда илмий ҳамжамият аъзоларининг борган сари кўпроқ қисми қўйидаги таснифланишга риоя қўлмоқдалар. Бирламчи илмий нашрлар оригинал тадқиқотларни тавсифлаб берувчи ва тақриздан ўтказилган илмий журналда чоп этилган нашрлар хисобланади.

Барча бошқа илмий нашрлар, илмий шарҳ кўринишидаги мақолалар, анжуманларнинг илмий маъruzalari, monografiyalar, ilmий tўplamlar ikkilamchi ilmий нашр саналади.

Кенг оммага мўлжаланган энциклопедиялар, дарсликлар ва худди шунга ўхшаш нашрлар учинчи тоифадаги илмий нашрлар ҳисобланади.

Халқaro илмий нашрлар тизимида муаллифлик ҳуқуқлари. Илмий нашр муаллифларининг муаллифлик ҳуқуқлари ҳозирги кунда муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги қонун билан ҳимояланади.

Муаллифлик ҳуқуқи обьектлари вазифаси ва унинг қадр-қиммати тақдим этилиш усулига боғлиқ бўлмаган фан, адабиёт ва санъат асари ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи субъектлари, яъни илмий ишнинг муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахслар илмий иш муаллифлари ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги қонун мулкий бўлмаган ҳуқуқларни: яъни босмадан чиқариш, намойиш қилиш, тайёр маҳсулотни сотишни ҳам ҳимоя қилади. Мулкий ҳуқуқ копирайт деб аталади (*"Copyright is the exclusive legal right to reproduce, publish, and sell the matter and form of a literary, musical, or artistic work"*, Webster's Third New International Dictionary, Merriam Company, Publishers). © белгиси копирайт (инглиз тилидан олинган сўз бўлиб, *copyright* –босмадан чиқариш ҳуқуки, муаллифлик ҳуқуқи) деб аталади ва бу белги нашрга муаллифлик ҳуқуқи белгиси сифатида қўйилади.

Номулкий ҳуқуқ кўпинча бегона бўлмаган ҳуқуқ саналади, яъни уларни бошқа шахсларга сотиш мумкин эмас ва муддатсиз амалда бўлади. Мулкий ҳуқуқ қонун билан белгиланган давр мобайнида амалда бўлади ва бошқа шахсга берилиши мумкин. Бошқа шахсга берилганида илмий асар эгаси, яъни копирайт соҳиби бошқа шахс бўлади. Бу муддат тугаганидан кейин асар (ilmий асар) умумий мулк ихтиёрига ўтади (public domain).

Копирайт билан ҳимоя қилинган асар ёки унинг бир қисмидан мулк эгасининг, яъни копирайт соҳибининг рухсатисиз фойдаланиб бўлмайди. Ҳар доим ҳам копирайт эгаси асар муаллифи бўлмайди. Копирайт бу асарга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳисобланади. Фақатгина копирайт соҳибигина асарни ўзи тиклаши, қайта ишлаб чиқариши, ундан нусха олиши ва тарқатиши (ижара гариб, сотиши) мумкин. У асарни ёки унинг бирор-бир қисмини қайта чоп эттириши, оммавий намойиш этиши, бу ҳаракатлардан манфаат топиши ёки бошқа шахсга буни амалга оширишига рухсат берлиши мумкин. Агар асар муаллифи копирайт соҳиби бўлмаса у таъкидланган асар билан бу ҳаракатларни амалга ошира олмайди.

Кўплаб мамлакатларнинг қонунларига мувофиқ фан, адабиёт, санъат асарларига бўлган мулкий ва номулкий ҳуқуқлар бу асар қаерда ва қачон эълон қилинган (чоп этилган, намойиш этилган ва ҳоказо) бўлса ҳам муаллифнинг яратган асарга ҳуқуқи қайддан ўтказилганми, йўқми, уни яратган шахсга иш тугалланиши билан берилади. Агар сиз шеър ёзган бўлсангиз ёки расм чизган бўлсангиз сиз шу заҳотиёқ бу асарнинг муаллифига айланасиз. Агар асар бир неча киши томонидан яратилган бўлса, уларнинг ҳар бири копирайт соҳибига айланади ва барча копирайт соҳибларининг ҳуқуқлари teng саналади, бироқ, агар бу асарни яратиш сизнинг бевосита ишингиз ёлланма иш бўйича ёки шартнома асосидаги иш бўлса, асарга бўлган мулкий ҳуқуқ, яъни копирайт иш берувчига ўтади. Бу ҳолда, сиз муаллиф бўлишингизга қарамай, иш берувчидан расмий рухсат олишингизга тўғри келади.

Копирайт фан, адабиёт ва санъатнинг оригинал асарини, унинг муайян намоён бўлишини (роман, куй, расм, ҳикоя, илмий мақола, дастурни) ҳимоя қилади, аммо унинг асосида ётган ғоя, усул, жараён, концепция ва ҳ.к. ларни ҳимоя қилмайди. Асар эълон қилинганидан кейин ундаги ғоя, усуллар, тамойиллар, кашфиётлар ва шу кабилар бошқа муаллифлар томонидан қўлланилиши ва ривожлантирилиши мумкин, бироқ асар муаллифи унинг муаллифилигига қолади. Масалан, иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги роман копирайт билан ҳимояланиши мумкин, бу мавзуда янги романларни ёзиш ғояси копирайт томонидан ҳимоя қилинмайди.

Номулкий муаллифлик ҳуқуқларини бузиш плагиат деб аталади. Плагиат кўп ҳолларда ўзининг номи билан бошқаларнинг илмий ишларини, ғояларини уларга ҳавола қилмаган ҳолда

чоп эттиришда намоён бўлади. Плагиатнинг асосий белгиси муаллифликни ўзлаштириб олиш саналади. Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган илмий асарлардан ғайри қонуний тарзда фойдаланиш, чоп эттириш, ундан нусха олиш ва шунга ўхшашлар, гарчи ғайри қонуний қўлланилса-да, агар унда хақиқий муаллиф кўрсатиб ўтилса, плагиат ҳисобланмайди.

Мулкий ҳуқуқларни бузиш билан асарлардан бундай тарзда фойдаланиш контрафакция (бировнинг асарини қонунга хилоф равишда қайта бостириб, муаллифлик ҳуқуқини бузиш; адабий асарни сохталаштириб чиқариш) ёки қароқчилик деб аталади. Кўплаб мамлакатларда копирайт ҳақидаги қонунда копирайт билан ҳимояланган асарлар танқид, шарҳ, мухокама, оммавий ахборот воситаларида хабарлар, ўқитиш ва ўргатиш ҳамда илмий тадқиқотлар учун қўлланилиши мумкин деб кўрсатиб қўйилган. Бироқ бу ҳолда асардан ҳалол, вижданан, инсоф билан фойдаланиш керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Парпиев О.А., Ахмедов Ш. Техниканинг такомиллашув жараёнида инсонларнинг касбий тайёргарлик даражасининг ортиши. Ўзбекистон республикаси ОваЎМТВ Андикон машинасозлик институти, “GM-UZBEKISTAN” АЖ Тошкент ш. Турин Политехника институти “Инновацион ривожланишиш муаммолари, ишлаб чиқариш, таълим, илм-фан” мавзусидаги вазирлик миқёсидаги илмий-техникавий анжуман материаллари тўплами. 1-китоб. 573-575 бетлар. 2017 йил 25-26 апрель.
2. Парпиев О.А., Бўронов Б. Узлуксиз таълим тизимида педагог таълимининг янгича мазмуни ва ташкилий шаклларини излаш. Инновация: фан, таълим, технология. АндДУ илмий услубий мақолалар тўплами. 2017 йил 2-сон. 123-128 бетлар.
3. Авлакулов, М., & Кодиров, И. (2017). Использование лизиметров в целях установления водно-солевого режима почв для условий Кашкадарьинской области. Актуальная наука, (1), 21-24. – №. 1. – С. 21-24.
4. Matyakubov B. et al. Improving water resources management in the irrigated zone of the Aral Sea region //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – Т. 264. – С. 03006.
5. Авлакулов, М., & Хазратов, А. Н. (2017). Закономерности динамики процессов влаги-соли переноса в почво-грунтах. Инновационное развитие, (5), 9-10.
6. Eshev, S., Rahmatov, M., Khazratov, A., Mamatov, N., Sagdiyev, J., & Berdiev, M. (2021). Critical flow velocities in cohesive saline soils. In E3S Web of Conferences (Vol. 264, p. 03071). EDP Sciences.